

VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ


(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларни Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ҳудудий бўлимлари маълумотлар базаси асосида Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базаси шакллантирилади.


Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони 44266 тани ташкил қилиб, шундан 38523 таси ёки 87,0 % фаолият кўрсатмоқда.




Рўйхатдан ўтган 44266 та корхоналар ва ташкилотларни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7972 тага ёки 23,2 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.



Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдода 11243 та (25,4 %), саноатда 8666 та (19,6 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 4895 та (11,1 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 3511 та (7,9 %) ва қурилишда 3488 та (7,9 %) соҳаларига тўғри келади.




2020 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича

	<i>Рўйхатга олинганлар</i>		<i>Фаолият кўрсатаётганлар</i>	
	<i>бирлик</i>	<i>яқунга нисбатан %да</i>	<i>бирлик</i>	<i>яқунга нисбатан %да</i>
Жами	44266	100,0	38523	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4895	11,1	4200	10,9
саноат	8666	19,6	7549	19,6
қурилиш	3488	7,9	2971	7,7
савдо	11243	25,4	9629	25,0
ташиш ва сақлаш	1520	3,4	1310	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3511	7,9	2921	7,6
ахборот ва алоқа	602	1,4	464	1,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	680	1,5	641	1,7
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	9661	21,8	8838	22,9

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 91,9 % нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 19,3 % хусусий корхоналар, 3,1 % чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 % акциядорлик жамиятлари ва 77,4 % бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши

(январь-декабрь, умумий сонига нисбатан % ҳисобида)



2019 йил январь-декабрда жами 10037 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 9671 та). Уларнинг асосий қисми Зангиота (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (13,8 %), Қибрай (7,7 %), Тошкент (7,0 %), Ўртачирчиқ (6,3 %), Янгийўл (5,7 %), Бўстонлик (5,1 %) ва Юқоричирчиқ (5,0 %) туманлари ҳамда Ангрен (6,3 %) шаҳарига тўғри келди.


Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича йиллар кесимида тақсимланиши, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 25,4 % савдо, 19,6 % саноат, 11,1 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 7,9 % дан яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳамда қурилиш соҳаларига тўғри келади.




Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари кесимидаги сони, бирликда (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Ҳисобот даврида 1692 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 296 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 17,5 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2020 йил 1 январь ҳолатига 38,3 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан масъулияти чекланган жамиятлар – 26,6 мингта, хусусий корхона – 7,9 мингта, оилавий корхона – 3,1 мингта, бошқа тижорат корхоналари - 0,8 минг тани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг
ташкилий ҳуқуқий шакллари**
(январь-декабрь жамига нисбатан %да)



Масъулияти чекланган жамиятлар: 2020 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 23313 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5522 тага ёки 31,0 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

**Рўйхатга ўтган масъулияти чекланган жамиятлари
тўғрисида маълумот**




Хусусий корхоналар: 2020 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар сони 6165 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 498 тага ёки 8,8 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Рўйхатга олинган хусусий корхоналари тўғрисида маълумот



Оилавий корхоналар: 2020 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 2820 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1211 тага ёки 75,3 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Рўйхатга олинган оилавий корхоналари тўғрисида маълумот



2019 йилнинг январь-декабрь ойларида жами 9681 та янги тижорат корхоналар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари - 9671 та). Янги ташкил топган тижорат корхоналарнинг асосий қисми Зангиота тумани (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 14,1 %), Қибрай (7,7 %), Тошкент (7,1 %) ва Ўртачирчиқ (6,4 %) туманлари ҳамда Ангрен (6,3 %) шаҳрига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган тижорат корхоналарнинг асосий қисми 37,7 % савдо, 21,1 % саноат, 10,8 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ва 9,2 % қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 1577 та тижорат корхоналар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 292 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 18,5 %) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар 2020 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 1153 тани ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 302 тага ёки 35,5 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.


Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни йиллар кесимида сони, бирликда




Ҳудудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарни асосий қисми Зангиота 142 та (жамидаги улуши 12,3 %), Қибрай 117 та (10,1 %), Юқоричирчиқ 91 тани (7,9 %), Ангрен 81 та (7,0 %), Чирчиқ шаҳарларида 79 та (6,9 %), Ўртачирчиқ 75 тани (6,5 %), Тошкент 70 тани (6,1%) ва Янгийўл туманларида 69 та (6,0 %) ташкил этилган. Энг кам хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Бўка 8 та (0,7 %), Бекобод, Оққўрғон 9 тадан (0,8 %), Пискент 14 та

(1,2 %), Чиноз 18 та (1,6 %) ва Паркент туманларида 22 та (1,9 %) ҳамда Бекобод шаҳрида 20 та (1,7 %) ташкил этган.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ҳудудлар кесимида сони, бирликда



Фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида корхоналар улуши, %



2019 йил январь-декабрь ойларида хорижий мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 322 тани ташкил этди. Бунда, асосан Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида-101 та, Туркия Республикаси-45 та, Россия Федерацияси-42 та, Қозоғистон Республикалари-38 та, Жанубий Корея Республикаси-19 та ва 94 та бошқа мамлакатларга тўғри келади.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши
(2020 йил 1 январь ҳолатида)**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан, %</i>
Жами	1153	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	113	9,8
Саноат	667	57,8
Қурилиш	44	3,8
Савдо	182	15,8
Ташиш ва сақлаш	19	1,6
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	23	2,0
Ахборот ва алоқа	5	0,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	11	1,0
Бошқа фаолият турлари	89	7,7

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 1153 та корхоналарнинг 667 таси (57,8 %)-саноат, 182 та (15,8 %)-савдо, 113 таси (9,8 %)-қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 44 та (3,8 %)-қурилиш, 23 та (2,0 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 19 та (1,6 %) -ташиш ва сақлаш, 11 та (1,0 %)-соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 5 та (0,4 %) - ахборот ва алоқа ҳамда 89 та (7,7 %) бошқа фаолият турлари соҳасига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида ҳудудлар бўйича тақсимланиши
(2020 йил 1 январь ҳолатига)

Туман ва шаҳарлар	Жами	Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	Саноат	Қурилиш	Савдо	Ташини ва сақлаш	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	Ахборот ва алоқа	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	Бошқалар
Тошкент вилояти	1153	113	667	44	182	19	23	5	11	89
<i>туманлар:</i>										
Оккўрғон	9	1	6	1						1
Оҳангарон	67	11	47	1	4					4
Бекобод	9	3	6							
Бўстонлик	42	14	12	2	4	1	2			7
Бўка	8	2	3		3					
Қуйичирчиқ	39	8	25		5					1
Зангиота	142	8	58	3	45	5	4	1	2	16
Юқоричирчиқ	91	8	59	1	16	1			3	3
Қибрай	117	16	57	6	22	1	3	1	1	10
Паркент	22	3	14	2			1			2
Пискент	14	3	9		1					1
Ўртачирчиқ	75	17	35	5	9	1	3	1	1	3
Чиноз	18	2	14		2					
Янгийўл	69	5	42	2	15	2	2			1
Тошкент	70	5	38	0	18	4	1		1	3
<i>шаҳарлар:</i>										
Нурафшон	45	3	22	10	2		1			7
Олмалиқ	38	2	19	1	7		2			7
Ангрэн	81	1	61	4	8	1	1			5
Бекобод	20		15		1	2		1		1
Оҳангарон	42		35		3					4
Чирчиқ	79	1	50	4	6	1	3	1	3	10
Янгийўл	56		40	2	11					3

Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда



2019 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда давлат ва нодавлат секторларининг нисбати (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)

